


I. ЯЛПИ ХУДУДИЙ МАҲСУЛОТ

Дастлабки маълумотларга кўра, 2019 йил январь-март ойларида ишлаб чиқарилган ялпи ҳудудий маҳсулотнинг (ЯХМ) ҳажми жорий нархларда 9446,0 млрд. сўмни ташкил этди ва 2018 йилнинг мос даврига нисбатан 106,1 % га ўсди. ЯХМ дефлятор индекси 2018 йил январь-март ойларидаги нархларга нисбатан 127,7 % ташкил қилди.

2019 йил январь-март ойларида ЯХМ нинг аҳоли жон бошига 3254,1 минг сўмни ташкил қилиб, ўтган йилга нисбатан 104,7 %га ўсди.

Ялпи ҳудудий маҳсулот (ЯХМ) – миллий ҳисоблар тизимининг асосий кўрсаткичи бўлиб, муайян даврда минтақанинг иқтисодий ҳудудида жойлашган резидент – институционал бирликлар ишлаб чиқариш фаолиятининг якуний натижасини ифодалайди.

2019 йил январь-март ойларида ЯХМнинг иқтисодий фаолият турлари бўйича ўсиш суръатлари




Ҳудуд иқтисодиётининг асосий тармоқларида кузатилган ўсиш суръатлари ЯХМ ўсишида асосий омил бўлиб хизмат қилди. Жумладан, қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги тармоғининг ўсиш суръати 102,0 %, (ЯХМ таркибидаги улуши - 17,1 %), саноат - 108,2 % (51,8 %), қурилиш - 117,1 % (3,8 %), ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа - 102,0 % (6,0 %) ва хизмат кўрсатувчи бошқа тармоқлар - 105,3 % (13,8 %) ни ташкил этди.

Ялпи ҳудудий маҳсулотнинг иқтисодий фаолият турлари бўйича таркиби


	<i>млрд.сўм</i>		<i>2018 йил январь-мартга нисбатан % ҳисобида</i>
	<i>2018 йил</i>	<i>2019 йил</i>	
I. Ялпи ҳудудий маҳсулот, жами	6971,7	9446,0	106,1
<i>шу жумладан:</i>			
Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати	6543,4	8634,1	106,0
Маҳсулотларга соф солиқлар	428,3	811,9	107,4
II. Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати	6543,4	8634,1	106,0
Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	1322,7	1473,1	102,0
Саноат (қурилишни қўшган ҳолда)	3318,3	4794,6	108,8
саноат	3087,7	4468,4	108,2
қурилиш	230,6	326,2	117,1
Хизматлар	1902,4	2366,4	104,1
савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	549,5	650,8	104,0
ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа хизматлари	466,1	519,0	102,0
бошқа хизматлари	886,8	1196,6	105,3

Январь-март ойларида ялпи ҳудудий маҳсулотнинг тармоқлар таркиби

2018 йил



2019 йил



- Маҳсулотларга соф солиқлар
- Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати
- Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги
- Саноат (қурилишни қўшган ҳолда)
- Хизматлар

Юқорида келтирилган диаграммада бирламчи секторнинг (қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги) ЯҲМ таркибидаги улуши 2018 йилдаги 20,2 % дан 2019 йилда 17,1 % га камайганлигини кўриш мумкин. Иккиламчи секторнинг (саноат ва қурилиш) улуши 50,7 % дан 55,6 % га ошди, учламчи сектор (хизматлар соҳаси)нинг ЯҲМ таркибидаги улуши эса 29,1 % дан 27,3 % га камайди.

ЯҲМ ишлаб чиқариш умумий ҳажмининг 44,4 % и кичик тадбиркорлик (бизнес) ҳиссасига тўғри келди, бу кўрсаткич 2018 йил январь-март ойларида 49,6 % ни ташкил қилган.


2019 йил январь-март ойларида ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажмида хизматлар улуши 27,3 % ни (2018 йил январь-мартда 29,1 %) ташкил қилди.

ЯХМ ўсиш суръатига хизматлар соҳасининг таъсири 1,2 ф.п. ташкил этди. Ушбу соҳада қўшилган қийматнинг 4,1 % га ўсиши кузатилди. Шундан, ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа 2,0 % га ва бошқа хизматлар 5,3 % га ўсди.

Қурилиш ишлари ҳажми ўтган йилнинг мос даври билан таққослаганда 17,1 % га ўсди. ЯХМнинг мутлоқ ўсиши қурилиш тармоғининг ижобий ҳиссаси 0,6 ф.п. даражасида баҳоланди.

2019 йилнинг январь-март якунларига кўра қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги 2,0 % даражасида ижобий ўсиш суръати қайд этилди. Мазкур тармоқнинг ЯХМ мутлоқ ўсиш суръатига таъсири 0,4 ф.п. ни ташкил этди.

2019 йил январь-март ойларида ЯХМ ўсишида тармоқларнинг ҳиссаси (жамига нисбатан % да)



2019 йил январь-март ойларида ЯХМ дефлятори индекси 2018 йил январь-март ойларидаги нархларга нисбатан 127,7 фоизни ташкил этди. ЯХМ дефлятори индексининг энг юқори кўрсаткичлари маҳсулотга соф солиқларда – 176,6 % ва саноат тармоғида - 133,8 % қайд этилди.

Вилоятнинг ўртача даражасидан паст бўлган дефлятор индекслари қурилишда - 120,8 %, қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигида - 109,2 %, савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар - 113,9 %, ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқада - 109,2 % ва бошқа хизматларда – 128,2 % қайд этилди.

2019 йил январь-март ойларида
ЯХМ нинг иқтисодий фаолият турлари бўйича дефлятор индекси

